

Қурғокчил минтақаларда қишлоқ  
хўжалик илмий тадқиқотлари  
халқаро маркази  
(ИКАРДА)

Ўрта Осиё илмий текшириш  
ирригация институти  
(САНИИРИ)



ЛАЗЕР УСКАНАСИДАН  
ФОЙДАЛАНИБ ЕРТЕКИСЛАГИЧ  
БИЛАН ДАЛАЛАРНИ  
ТЕКИСЛАШ



Осиё Тараққиёт Банки

Тошкент - 2008

## Лазер ускунадан фойдаланиб ертекислагич билан далаларни текислаш

Ўзбекистон Республикасида рельеф шароитига қараб уч хил суғориш усули қўлланилади: мукамаллаштирилган ер юзасидан суғориш; томчилатиб ва томчилатиб-сизиб; ёмғирлатиб.

Ҳозирги вақтда текис ерларда энг кўп қўлланиладиган усул ер юзасидан суғоришдир (эгатлар бўйича суғориш). Ер юзасидан суғоришда суғориш техника ва агротехникани такомиллаштиришда (аник экиш, машиналар билан қайта ишланадиган майдон, ҳосилни машиналар билан йиғиб олиш ва ҳ.к.) ер текислаш муҳим ва биринчи навбатдаги тадбирлардандир.

Ушбу тадбирни кам нишабли далаларда амалга оширишда, кам ҳажмда тупроқ ёткизиб ва кам ҳажмда дўнглари кесиш лойиҳалаштирилади. Суғориш йўналишида маълум нишаб ҳосил қилиш мақсадида Rugby 100LR лазер ускуна билан таъминланган ер текислагич қўлланилади. Ушбу система автоматик тартибда ишлайди.

Ер текислаш ишларини бошлашдан аввал, суғоришга режалаштирилган майдонни узунасига (бўлажак эгат бўйламасига) ва кўндалангига (ўқ арик бўйича) нишаби нивилер ёрдамида аниқланади.

Дала сиртининг рельефига қараб ер текислаш ишларини олиб боришда минимал ҳажмда тупроқ ёткизиб ва

дўнглари кесишни ҳисобга олган ҳолда эгатларни узунлиги белгиланади.

Аниқланган нишаблар параметрлари бўйича (узунасига ва кўндалангига) Rugby 100LR лазер ускунаси соланади ва ертекислагич ишга солинади.

Лазер ускуна билан таъминланган ертекислагич ёрдамида текисланган далаларда, сиртларни раво намланиши ҳисобига пахтанинг ҳосилдорлиги 4,5 ц\га, сувчиларнинг ишининг унумдорлиги 20 %га ошади, суғоришга ишлатиладиган сув 15-20 % тежаланади.



Фото 1 Лазер ускунани ертекислаш иши вақтида солаш.



Фото 2 Лазер ускунадан фойдаланиб ерни текислаш.



Фото 3 Трактор кабинасида лазер ускунасини назорат системаси.